# Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 7 may, juma

7 (288) son


# КАТТА ҚАДАМ


**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Олий Мажлис депутати, "Миллий тикланиш" фракцияси аъзоси**


Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ислоҳотлар, ҳозир бутун дунёни ташвишга солиб турган терроризм иллати, унга қарши кураш ва бошқа жиддий масалалар ҳақида, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, уларнинг Олий Мажлисга сайловлар йилида янада кучайиши муқаррар бўлган масъулияти ҳақида куйиниб гапиргани бежиз эмас. Бу жиҳатдан сессияда "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги ғоят жиддий ва айтиш мумкинки, адолатли воқеа бўлди. Қонунда сиёсий партиялар Давлат бюджети томонидан ажратилган маблағлар билан ҳам таъминланиши, бу юмушда "қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги... асосий мезон" бўлиб қолиши алоҳида таъкидланган.

Бу мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг эмин-эркин ҳаракат қилиши йўлида қўйилган янги ва жиддий қадам деб айтиш мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир партиянинг ҳисоб рақамида катта маблағлар бўлса, унинг ташкилоти бемалол фаолият кўрсатиши учун энг замонавий бинолардан тортиб, энг замонавий техника воситаларигача эга бўлса, нашри мунтазам ва катта тиражда чиқиб турган бўлса, унинг аъзолари орасида партияни хоҳлаганча маблағ билан таъминлаб турадиган юридик ва жисмоний шахслар етарли бўлса-да, бошқа партиянинг фаолият кўрсатиши учун на бирон биноси, на маблағи бўлмаса, газетаси ойда бир марта амаллаб чиқиб турса, уларнинг имконияти бирдек деб бўладими? (Албатта, мен барча партияларни бирдек ҳурмат қиламан, моддий имконияти яхши партияларга инжиб қараш ёки эски замонлардагидек, ҳаммани "тенглаштириш" фикридан узоқман. Лекин дасти узун бўлгани учун, партия халқ ғамини, мамлакат манфаатини кўпроқ ўйлайди-ю, қўли қисқароғи ношуд, бундай юмушларни уддалай олмайди, деб ўйлаш хато эканини айтмоқчиман. Масалан, "Миллий такланиш" асосан, зиёлилар партияси аҳолининг зиёли қатламларига суянади, уларнинг манфаатларини ифодалайди. Бу унга бошқа касб эгалари аъзо бўлиши мумкин эмас, деган маънони англатмайди). Аммо бизнинг партия энг аввало бугунги кунда ижтимоий ҳимоя қилиниши айниқса зарур бўлиб турган зиёлилар, айниқса қишлоқ зиёлилари манфаатини кўпроқ ўйлайди. Олий Мажлис сессияларида Давлат бюджети масаласи кўрилаётганда бунга алоҳида урғу бериш йўлидан боради. Бу — анчайин майда масала эмас... Шунингдек, партиянинг бош вазифаси — Ватанимизнинг миллий қадриятларини тиклаш, ҳар ким ўзининг кимлигини англаб етиши учун шароит яратиш, ҳар кимнинг қалбида Ватан туйғусини том маънода шакллантириш деган жуда жиддий мақсаддан иборат. Бу ҳам шунчаки ҳавойи гап эмас. Кейинги пайтларда юртимизда рўй берган ташвишли ҳодисалар буни исботлайди. Ўз юртига қарши қўл кўтарган кас аввало ўзининг "мени"ни йўқотган кимсадир. Тўғрироғи, қора кучлар уни аллақачон шахс сифатида йўқ қилишга улгуриб, зомбига айлантирган. Ҳар бир фуқаро қалбида тўлиқ маънода ИНСОН ШАХСИ туйғусини шакллантириш майда ва жўн юмуш эмас! Бундай юмушларни адо этиш учун жонкуярлик, куч-ғайратдан ташқари партияга маблағ ҳам керак. Сиёсий партияларнинг марказий ҳайъати аппаратидан тортиб, жойлардаги ташкилотларигача нормал фаолият кўрсатиш имконига эга бўлса, айтар сўзи, қилар иши ўз вақтида кенг оммага етиб турса, шундагина улар жиддий сиёсий кучга айланган ҳисобланади.

*Олий Мажлис сессиясидан кейинги ўйлар*

Масаланинг мана шу жиҳатларини эътиборга оладиган бўлсак, Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонун ғоят катта аҳамиятга эга.

## *9 май — Хотира ва Қадрлаш куни*

**Расул ГАМЗАТОВ:**

***«Муҳаммад Юсуфнинг шеър ўқиши худди менинг шеър ўқишимга ўхшайди. Келажаги порлоқ шоир».***

**Абдулла ОРИПОВ:**

***"Муҳаммад Юсуф ҳеч қачон, ҳеч кимга ўхшамайдиган, тили билан дили бир, юзидан, сўзидан латифлик барқ уриб турадиган шоир эди. Муҳаммаддек укамни менга рўбарў қилгани учун Аллоҳга шукур".***



# АНДИЖОНДА КАТТА ТЎЙ БЎЛДИ

4 май. Марҳаматнинг Қовунчи қишлоғидаги "Ғишт мозор" қабристони тумонат одамлар билан тўлган. Шоир Муҳаммад Юсуф абадий кўним топган қабристонда лолақизғалдоқлар чаман-чаман очилибди. Қалдирғочлар чириллайди, чириллашиб шоирнинг руҳларини аллалайди. Шоир Муҳаммад Юсуфнинг 50 йиллик юбилейи муносабати билан бунёд этилган ёдгорлик очилди. Миллий руҳда бунёд этилган айвонда жойлашган шоир бюсти пойига гулчамбарлар қўйилди.

**(Давоми 3-бетда).**

# УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳамда ЎзМУ жамоатчилиги ҳамкорликда 15 апрел куни ЎзМУ Маданият саройида «Терроризм — инсоният душмани» мавзусида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида давра суҳбати ўтказдилар. Унда ЎзМТДП котиби О. Қозоқов, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси Лола Саидова, Собир Раҳимов туман прокурорининг ўринбосари А. Мақсудов, ЎзМУ катта ўқитувчиси Х. Сафаровлар сўзга чиқишди. Улар талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

* * *

20 апрел куни Тошкент миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Миллатнинг маънавий бирлиги» мавзусида партия етакчилари билан қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Унда партия котиби О. Қозоқов, ЎзМТДП етакчи фаолларидан Жаннат Тошматова, ЎзМУ «Маънавият ва маърифат маркази» бошлиғи Б. Ҳусановлар қатнашди. Улар мазкур коллеж жамоаси ва ўқувчиларининг саволларига жавоб бердилар. Учрашувда таниқли санъаткорлар Лутфулла Саъдуллаев, Гулчеҳра Саъдуллаевалар саҳна чиқишлари билан иштирок этдилар.

## *Партия ахбороти*

22 апрелда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида «Ёшлар ва сиёсат» мавзусида мулоқот бўлиб ўтди. ЎзМТДП етакчи фаоллари ушбу мавзуда талаба ёшлар билан суҳбатлашдилар.

* * *

Жиззах вилоятида партия тарғиботига доир ишлар йўлга қўйилмоқда, бу эса партияга кишилар хайрихоҳлигини оширмоқда. Кейинги бир ҳафта ичида Жиззах туманидан 36 нафар, Зафаробод туманидан 75 нафар, Пахтакор туманидан 89 нафар, Арнасойда 216 нафар киши партиямиз сафига кирди.

* * *

Жиззах шаҳар ҳокимлиги, «Миллий тикланиш» ҳамда «Фидокорлар» партияларининг вилоят кенгашлари ҳамкорликда кам таъминланган тўртта оилада ёш келин-куёвларнинг никоҳ тўйларини ўтказишга ҳомийлик қилдилар, бу ташкилотлар тўй билан боғлиқ барча харажатларни зиммаларига олдилар.

* * *

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Сайловлар жараёнида фуқаролар сиёсий фаоллигини» ошириш мавзусида семинар бўлиб ўтди. 24 апрелда бўлиб ўтган тадбирда партия етакчиларидан О. Қозоқов иштирок этди. Республикани турли вилоятларидан ташриф буюрган маҳалла фаоллари, ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари билан бўлиб ўтган тадбирда партияларни сиёсий фаоллиги ҳақида сў҆ борди.

* * *

Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, «Миллий тикланиш» фракцияси аъзоси Гуландом Боқиева Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани «Умид», «Шаҳрobод», «Навбаҳор» маҳаллалари аҳолиси билан учрашди. Халқ ноиби ўз сайловчиларига Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги қонунлари, икки палатали парламент, унинг юқори ва қуйи палаталарининг ваколатлари, регламенти ҳақида сўзлаб берди. Йиғилганларнинг ижтимоий-сиёсий мавзулардаги кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

* * *

Ўз МТДП Фарғона вилоят Кенгаши қошида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатига, маданий-маърифий қадриятларга, миллий истиқлол ғояларига доир тарғибот ишлари билан мунтазам шуғулланувчи 7 кишидан иборат гуруҳ тузилди.

Кейинги вақтларда Фарғона туманидаги 24-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ота-оналари, ўқитувчилар ва маҳалла аҳли билан учрашув-мулоқот ўтказилди, фаоллар республикамиз ва вилоятимизда "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб бердилар. Марғилон шаҳридаги қурилиш коллежида шаҳар атрофи ҳудудларидаги мактаблар раҳбарлари иштирокида ўтказилган тадбирда "Сиёсий партиялар ва демократик жараёнлар" мавзусида маъруза билан чиқилди.

Вилоят солиқ бошқармаси меҳнат жамоаси ўртасида мамлакатимизда рўй бераётган демократик жараёнлар, миллий қадриятларимиз ва ижтимоий-сиёсий вазият тўғрисида маъруза қилинди ҳамда саволларга жавоблар берилди.

Кувасой шаҳридаги саноат коллежи жамоаси билан ҳамкорликда вилоятимизнинг таниқли шоири Охунжон Ҳакимов таваллудининг 70 йиллиги олдидан "Меҳрим сенга, бағрикенг халқим!" — деб номланган адабий мусиқали кеча уюштирилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркибига "Ҳозирги халқаро аҳвол ва маънавий қадриятлар" мавзусида маъруза ўқилди.

**Ўз мухбиримиз**

# БУГУН НИМА ЎЗГАРДИ?

2004 йил февралида матбуотда Президентимизнинг "2004 — 2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши эълон қилинди. Унда "Умумтаълим паспортини ишлаб чиқарилсин", деб бошланадиган, мактаб ҳаётини тўлиқ баён этадиган хатбоши бор. Бу борада шуни айтиш керакки, чўллар ўзлаштирилиши ва умуман ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталаридан тортиб, "замонавий" деб ном олиб, қурилган мактаблар республика бўйича катта улушни ташкил қилади.

Буларнинг барчасида мактаб паспортлари ва уларда мактаб, муаллимлар, ўқувчиларнинг бемалол билим беришлари ва олишлари учун маълум шароит-ашёлар бор эди. Лабораториялар, қозонхона, устахоналар барча керакли асбоб-ускуналари билан ишлаб турарди.

Минг афсуски, давлат мулклари қўли, дили, тили эгри мактаб директорлари, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормайдиган хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарлари, уларнинг ҳамтовоқлари, маориф тизимидаги шуларга ўхшаш нопок кишилар "ёрдами"да қисқа муддатларда қимматбаҳо ашёлар шипшийдам қилинди. Ахир мулклар кимларнидир "манглай тери" ҳисобига бунёд этилган эди-ку?

Фармойишда мактабларни капитал, жорий таъмирлаш ҳамда авария ҳолатдагиларни бузиб, ўрнига янги жойдан мактаблар қурилиши кўрсатилади.

Ҳозирги бизга кўриниб турган бор нарса шуки, деярли кўп мактабларнинг иситиш воситалари таъмирлашга муҳтож. Лекин кейинги йиллардаги таъмирлаш ишлари эса кўл учида бажарилмоқда.

Бу борадаги фикрлар умумлашадиган бўлса, фармойишда мўлжалланган ишларни мактабларда иситиш тармоқларини юз фоиз тирик ҳолатга келитиришдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳужжатда авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига янгисини барча шароитларни ҳисобга олган ҳолда қуриш талаби қўйилган.

Энди қурилиш ишларига келинса, кузатишлар шунини кўрсатдики, кейинги йилларда қишлоқ жойларидаги қурилишлар шошилиб чала-кам-чатти, таши ялтироқ, ичи қалтироқ бир тарзда амалга оширилаётир.

Таклифим шуки, бу борада мутасаддиларнинг жавобгарликлари тўлиқ акс этган аниқ, қатъий тартиб-қоидалар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Фармойишда икки жиҳат борки, бу нафақат мазкур фармойишга тааллуқли бўлиб қолмай, балки келажакнинг, ҳаётнинг асосини ташкил қилади. Биринчиси, кадрлар тайёрлаш миллий дастуридир.

Тарихдан маълумки, ҳар бир жамиятда ўзгариш бўлганда, ўтиш даври табиий экан. Бунда, албатта, сувнинг бетини қоплаган хас-хашак, кўпикдай илми, дунёқараши, эътиқоди, тили, дини, миллати, қадриятларига бўлган енгилтаклиги ёки деярли ҳаётга нисбатан тўғри тушунчага эга бўлмагану тилида ватанпарвар, дили ва кўзида нафспарвар кадрлар бир қалқиб чиқаркан. Уларнинг фаолиятларидан бориб-бориб ҳаётни олға юритишга ироδасизликлари, курашишларидаги лоқайдликларини очиқ-ойдин билиш мумкин экан. Чўл минтақаларидаги ўттиз йиллик ҳаётимда турли соҳа ишчи-меҳнаткашларидан тортиб раҳбарлари, айниқса, маънавият соҳаларида жуда кўп инсонлар билан бирга ишладим, қишлоқдош бўлиб яшадим, дориломон, нодориломон кунларида қатнашдим. Тўғрилик олдида, ҳақиқат олдида отангни ҳам аяма, деган ақидага амал қилиб айта оламанки, шундай кимсалар ҳам мўлки, улар яхшиликни, ростгўйликни ҳатто ўзларининг энг яқинларига ҳам раво кўрмайдилар. Ундайларнинг деярли барчаси илмдан аллақачон "тўйган" — оддий аттестация, қадрият синовлари, матн (мазмунли) ёзув сингари синов-имтиҳонларнинг оддий кўринишларидан ҳам ўтолмайдилар. Қизиғи шундаки, бундай "кадр"лар бир жойдан "урилса", иккинчи жойга раҳбарликка ҳамду санолар айтиш билан тавсия қилинаверадилар, уларнинг жазо ҳам олмасликлари, айбдор ҳам саналмасликлари одатий ҳолга айланиб қолди. Мана бу собиқ тузумдан ўтган хавфли иллат. Бу иллат кимларгадир фазилатга айланди.

Иккинчи масала муаллимлик ҳаётидир.

Муаллимлар ҳаётини ўнглаш, фаровон қилиш учун кўп ишларни амалга оширишга тўғри келади. Бу энг аввало барча муаллимларнинг иш ҳақларини тоифалар зиммасига юклanганлигидир. Тоифалар ораларидаги фарқлар бозорда пулимиз қадрининг тушиши оқибатида бирдай ва кулгили бўлиб турибди. Бундай аҳволда қайси муаллим касб-ҳунари бўйича кунма-кун ўз илмини ошириб ва энг муҳими шу асосда дарс бериб, юқори тоифаларга топшириш учун ҳаракат қилади?

Илмда бундай ўзибўларчилик, барча нарсани пулга чақиш, шароитларимизни ҳисобга олмай чет эл таълим-тарбия тизимидаги йўл-йўриқларни қайта ишламасдан йиллар сайин оммавий равишда илм даргоҳларига тиқиштиришга ружу қўйиш масалаларига жиддий эътиборни қаратиб, кўпларига барҳам бериш вақти ўтиб бормоқда. Муаллимлар бўлмағур, ўлик жадвалларни тўлдириш ўрнига янги дарсликлардаги илмларга меҳрини беришсин. Нафақат муаллимлар, балки барчамизни қийнаб келаётган нарса мана шу қадриятларимизнинг асл моҳиятини тушунмай келаётганлигимизда-ку! Муаллим халқи эса уларни дарсларда тўлдириб, шарҳлаб, муҳим хулосалар чиқариб беришга мажбур ва масъул. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, биз — кўпчилик муаллимлар олдимизда турган бу каби фарз ишларнинг борлигини билмаймиз, билсак ҳам тан олгимиз келмайди ёки аллақачон унутганмиз.

**(Давоми 3-бетда)**

## *Муаллимлар бормисиз, омонмисиз!*

### ҚАРАНГ-А, УЛАРДА ВИЖДОН БОРМИ?

**Халқ таълими вазирлиги мансабдорлари бюджетдан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланишмаган, тендер савдоси уюштирилмаган, шунингдек, ажратилган маблағларни бемақсад сарфлаб, қўшиб ёзиш, талон-торож қилиш каби суиистеъмолчиликларга йўл қўйишган.**

**Вазирлик томонидан махсус лицензия ва тегишли ускуналарга эга бўлмаган "Эл" очиқ турдаги акциядорлик жамиятига турли плакатларни тайёрлаб бериш учун карийб 116 миллион сўм пул ўтказилган. "Эл" акциядорлик жамияти эса ушбу иаблағнинг 43 миллион сўмини Самарқанд шаҳридаги "Тонг" масъулияти чекланган жамиятга ўтказиб бериб, плакатларни чоп эттирган ва қолган маблағни ўзлаштириб юборган.**

**Халқ таълими вазирлигидаги мансабдорлар мактаб дарсликларини нашр қилишга лицензияси бўлмаган "Ўзинкомцентр" ташқи иқтисодий ахборот-тижорат марказига дарсликларни нашр қилдириш учун 977 миллион 300 минг сўм маблағ ўтказиб беришган. "Ўзинкомцентр" ташқи иқтисодий ахборот-тижорат маркази бош директори Ш. Шоаҳмедов эса "Dar-al-salam" қўшма корхонаси раҳбари Л. Линков билан шартнома тузиб ушбу маблағнинг 792 миллион сўмини унинг ҳисоб рақамига ўтказиш орқали ишларни бажартирган. Бу ноқонуний фаолият натижасида давлат манфаатларига 266,5 миллион сўмлик зарар етказилган.**

## *Публицист минбари*

Ўрта Осиёда минг йиллардан буён турли динлар, маданиятлар ва турмуш тарзи ёнма-ён ҳукм сурган. диний бағрикенглик, самимият халқларнинг қийинчиликларни енгиши ва ривожланишининг зарур шартига айланган. Бу ерда асрлар давомида ўтроқ халқлар кўчманчилар билан, форс қабилалари турклар билан, мусулмонлар яҳудийлар ва насронийлар билан биргаликда, тинч-тотув яшашган.

Жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократлашуви турли партиялар, ҳаракатлар ва ташкилотларнинг ташкил топиши учун қулай шарт-шароитларни яратди. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон раҳбариятининг жамиятдаги барқарорликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишга, дунёвий давлатни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

Бошқа кўпгина ёш давлатларда бўлганидек, бизнинг мамлакатимизда ҳам қонуний сайланган ҳукуматга ўзини қарши қўяётган кучлар пайдо бўлган. Шу йилнинг 29 мартидан 1 апрелигача Ватанимиз пойтахти Тошкентда ва вилоятимизнинг Ромитан туманида ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган фожеий воқеаларнинг юз бергани ва бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлгани бундан яққол далолат бериб турибди. Халқаро террорчиларнинг мақсади битта — ҳудуддаги аҳолини қўрқитиш, маҳаллий ҳокимият органларини саросимага тушириш, тинч-тотув ҳаётимизга раҳна солиш. Аммо улар ўз олдиларига қўйган бу мақсадга эриша олмайдилар...

Вилоятимиздаги бу воқеалар ҳақидаги анчагина миш-мишларга чек қўйиш, юз берган фожиалар ҳақида тўғри маълумотларни ўқувчига тўлароқ етказиш учун аниқ далилларга мурожаат этайлик.

# «ЖИҲОД»ЧИЛАРНИНГ МАНФУР ҚИЁФАСИ

*«Бухорономa» саҳифаларида*

**(Давоми 2-бетда)**


## САҲИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАСАНГИЗ:

**2-бетда**
***Бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд айтадилар: «Бизни ёдга олганнинг замони обод бўлгай».***

**3-бетда**
**Жаҳон аҳолиси 6 миллиарддан ортиқ кишини ташкил қилса, улардан 500 миллиони гиёҳвандлардир.**

**4-бетда**
***Эй фарзанд! Ишқни чумолидан ўрган, ёр васлига етиш осон эмас. Жон фидо қил, жонона керак бўлса.***


**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»га ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.**
**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» СИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗГА БЎЛИБ ҚОЛАДИ, ДЕБ УМИД ҚИЛАМИЗ.**

*ГАЗЕТА НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158*

# Баҳоуддин Нақшбанд: «БИЗНИ ЁДГА ОЛГАННИНГ ЗАМОНИ ОБОД БЎЛГАЙ»



Хожаи Жаҳон — Абдухолиқ Ғиждувоний мажмуаси.

## ҒИЖДУВОН ТОЛАСИ

Бухородан Тошкентга қараб сафарга чиқар бўлсангиз, катта йўлнинг ўнг ёқасида Ғиждувон пахта тозалаш акциянерлик жамиятининг чиройли биносига нигоҳингиз тушади. "Вилоятпахтасаноат" бирлашмаси раҳбарлари бу корхона фаолиятини ва у жойда ишчи-хизматчиларга яратилган шароитларни мақола қилиб ёзса бўлади деб тавсия этишганида жон бор экан. Корхонадаги саранжом-саришталикни, ободончиликни, шинам ва озода хизмат хоналарини, ишчилар ошхоналарини, дам олиш ва маънавият залларини кўриб хавасингиз келади. Бу ҳам ғиждувонлик пахтани қайта ишловчиларнинг бахти десак бўлаверади.

Ўтган йили туман пахтакору ғаллакорлари учун айниқса омадли бўлди, баракалар ёғилди. Боиси нима, дедингизми? Улуғларини улуғлаган юртда доим тўйлар бўлаверишини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Ҳа қадимий Бухоро замини азиз-авлиёларга бешик бўлгани билан ҳам бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Бобомиз Баҳоуддин Нақшбанднинг етти пирларидан бири ҳазрат Абдухолиқ Ғиждувонийнинг қутлуғ 900 йиллик тўйи жаҳон миқёсида нишонланди. Шу муносабат билан рўёбга чиқарилган ишларни кўриб ҳайрон қоласиз. Савоб ишларнинг ажри бор, мукофотлари ҳам. Ёдимиздан чиққани йўқ, ўтган йили мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун энг машаққатли бўлди. Шундай шароитда ҳам Бухоро бободеҳқонлари, хусусан Ғиждувон аҳли мўлжалдаги режаларидан ҳам кўп ҳосил етиштирдилар.

36 минг 900 тонна ўрнига 37 минг 680 тонна оқ олтин хирмонлари яратилди. Файзулло Хўжаев, Ибн Сино номидаги, "Гулистон" ширкат хўжаликлари етиштирган ҳосилнинг 80 — 90 фоизини биринчи навларга сотишди. Тумандаги 17 та хўжаликнинг еттитаси уруғлик етиштиради. Туман бўйича 3 минг 52 тонна уруғлик чигит тайёрланди. Пахтани қайта ишловчилар тола олиш миқдорини қанчалик кўпайтирса, шунчалик қувонишади. Акционерлик жамиятида Бухорода, мамлакатимизда десак ҳам бўлаверади, тола чиқиш энг юқори даражада бўлди — 35,6 фоизни ташкил этди.

— "Бухоро-6", "Бухоро-8" навлари толасининг сифати бўйича ҳам ажралиб туради, — дейди акционерлик жамияти раиси Низом Ҳамроев. — Ўтган йил ҳосилини қайта ишлаш натижасида 312 миллион сўм соф фойда олинди. Корхона раҳбари тайёрлов бўлими бошлиғи Рустам Ярашев, ҳосилот Бобоёр Ҳакимов, ишлаб чиқариш смена усталари Мурод Қиличев, Омон Болтаевларнинг номларини тилга олди. Намунали меҳнатларини алоҳида таъкидлади.

Бугунга келиб корхонада ўтган йилги пахта хом ашёси тўлиқ қайта ишланди. Мавсум якунлангани боис ишчи-хизматчиларга катта дастурхон ёзилди. Илғорларга мукофотлар берилди. Ўн нафар киши пенсияга кузатилди. Уларга бошдан оёқ сарупо совға қилинди. Хуллас, биргина шу тадбирга 2 миллион 720 минг сўм сарфланди. Жорий йилнинг тўрт ойининг ўзида ижтимоий муҳофаза учун 4 миллион 572 минг сўм маблағ сарфланди.

Бугун корхонада мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Ғиждувонлик пахтани қайта ишловчиларнинг ниятларига биз ҳам ҳамоҳангмиз. Хирмонларингиз деҳқоннинг кўнглидек оппоқ пахталарга тўлиб тошаверсин. Меҳнат қилганлар роҳатини кўрсин. Топганларингизни фақат тўй-тантаналарга сарфлаб, яйраб юраверинглар. Пешонангиздаги томчи-томчи терларингиз олтинга айланаверсин, азиз пахтакорлар!

**Суннатилла ИСЛОМОВ**

*"Пахта Банк" — ишончли ҳамкор*

## Раҳим ҒАФУРОВ: ВАЛЮТАМИЗ ОБРЎЙИ — ИСЛОҲОТЛАР ГАРОВИ

Аграр секторда бозор муносабатларини кучайтириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, миллий валютамиз қадрини ошириш, хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш, истеъмол бозорини тўлдириш, пул муомаласини барқарорлаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган пул-кредит сиёсатини қўллаб-қувватлаш, кучли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш борасида Акционерлик Тижорат "Пахта Банк"нинг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан муайян ишлар қилинди.

Жорий йилнинг уч ойида мижозлар сони 379 нафарга ошди. "Пахта Банк"ни ихтиёр этганларнинг аксарияти кичик ва ўрта бизнес вакилларидир. Бу — ишончли ҳамкорлик йўлга қўйилгани далолати.

Бозор иқтисодиёти одамларни хушёр қилиб қўйди. Улар нима фойда-ю, нима зарар эканини англаб етишаётир, ўзига қулай ва манфаатлироқ банклар билан ишлаш учун имкониятлар пайдо бўлди. Банклараро рақобат ҳам кучайиб бораётир. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини кўпроқ фойдали ва кафолатли омонатларга топширишга одатланаётир. Шундай бир ҳолатда банкирлар ҳам омонатчиларнинг, ҳам ўзларининг манфаатларига мос тушадиган янги омонат турларини жорий этишаётир. Масалан, "Пахта Банк" юқори фоизли, қулай "Саховат" ва "Пластик карт" муддатли омонат турларини жорий этди. Шу йилнинг 23 мартидан бошлаб фақат нақд пулда миқдори 20 минг сўмдан кам бўлмаган, бир йил муддатга 38 фоиз ҳақ тўлаш шарти билан "Саховат" омонат турига аҳолидан маблағлар қабул қилинаётир. Омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади, қўшимча бадаллар эса қабул қилинмайди.

"Пластик карт" омонат тури ҳам мижозларга жуда маъқул келганини гувоҳи бўлдик. Ойига 3,5 фоиз, йиллик 42 фоиз ставкада ҳақ тўланадиган омонат тури фоизлари ҳар ойда ҳисобланиб борилади ва кейинги ойнинг биринчи санасида омонат қолдиғига қўшилади.

Биринчи чорак якунлари ҳақидаги маълумотларга кўз ташлаймиз. Жалб қилинган омонатлар миқдори 2 миллиард 410 миллион 800 минг сўмни ташкил қилган. Муддатли омонатлар миқдори эса 2 миллиард 200 миллион 400 минг сўм. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 миллиард 123 миллион 500 минг сўмга кўпайган.

— Мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади, — дейди бошқарма бошлиғи Раҳим Ғафуров. — Айнан бошланғич йирик инвестицияларни талаб қилмайдиган ва захиралар айланиш тезлигини кафолатловчи кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётини қайта тузиш муаммоларини қисқартириб тезроқ ечишга, бозорларни маҳсулотлар билан тўлдиришга қодир. Демак, мустақил Ўзбекистонимизда ҳам кичик ва ўрта бизнес билан мумкин қадар кўпроқ аҳоли банд бўлса, ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, ҳам товар бозорини тўлдириш ва натижада аҳоли турмуш даражасини яхшилаш имкони кўпаяди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2004 йилнинг уч ойида 443 миллион 800 минг сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 кўп демакдир. Ушбу кредитларнинг 84 фоизи ўрта ва узоқ муддатларга ажратилгани ҳам аҳамиятли. Ўрта ва кичик бизнес вакилларига уч ойда ажратилган кредитлар ҳисобига 474 та янги ишчи ўринлари яратилди. Энг қувончлиси, 199,6 миллион сўмлик маҳсулот ҳам ишлаб чиқарилди.

Деҳқон бой бўлса, юрт обод бўлади деган шиорни Бухорода кўп ўқидик. Бу ҳақ гап. Қишлоқдаги меҳнаткашни ҳақиқий мулкдорга айлантириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника, товар-моддий бойликлар билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш, экспортбоп маҳсулотларни қишлоқларнинг ўзида ишлаб чиқаришни кўпайтириш, мустақиллик қалдирғочлари деб таъриф олган фермерларни қўллаш, уларнинг иш ҳақларини ўз вақтида бериш, ер билан тиллашадиган бободеҳқон ҳақига хиёнат қилмаслик — буларнинг ҳамма-ҳаммаси охир-оқибат деҳқонни бой, юртни обод қилишга замин яратувчи омиллардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майда "Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабидан келиб чиқиб кичик ва ўрта бизнес субъектларига ёрдам бериш мақсадида банк фойдасининг 25 фоизини ажратган ҳолда имтиёзли кредитлаш жамғармаси доимий шакллантирилиб борилаётир. Биринчи чоракда мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли фоиз ставкаларида 43,7 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Бухорои шариф — бутун жаҳон нигоҳи тушиб турадиган муқаддас гўша. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан сайёҳлар ташриф буюришади. Вилоят аҳолиси ва меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида 14 та валюта айирбошлаш шоҳобчалари очилган. Шоҳобчалар замонавий пул санаш машиналари, валютани ҳақиқийлигини текширадиган детектор ва тест ускуналари, компьютер техникалари билан таъминланган. Бугунги кунда шоҳобчаларда АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, Япония иенаси ва Европа пул бирлиги бўлган еврони нақд сўмларга ва аксинча айирбошлаш амалиётлари амалга оширилаётир.

— Қишлоқ хўжалик фаолияти билан боғлиқ ва уларга хизмат кўрсатувчи таъминот корхоналарига, деҳқон ва фермер хўжаликларига замонавий мини технологиялар ва қишлоқ хўжалиги техникалари олиш учун молиявий лизинг хизматлари кенгайтирилаётир, халқаро молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлар ажратиш фаоллашаётир. Экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш эвазига халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни муҳим вазифамиз, деб қараймиз, — деди ҳамсуҳбатимиз Раҳим Ғафуров.

"Пахтабанк" ходимларининг нияти улуғ: бухоролик пахтакору-бободеҳқонларнинг бу йил ҳам юзлари ёруғ бўлсин, умид билан она замин бағрига қадаган барака уруғларидан баланд оқолтин хирмонлари бунёд этилаверсин.

## "ШОҲРУД" ШУҲРАТИ

"Шоҳруд" маҳсулотлари нафақат Бухоро вилоятида балки мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам харидоргирлиги билан тилга тушган. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри савдо дўконлари расталарида ҳам "Шоҳруд" тамғаси билан сотилаётган маҳсулотларга харидорлар кўп.

"Шоҳруд" акциядорлик жамияти фаолиятида йилдан йилга ижобий ўзгаришлар сезилаётир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи ҳам йил сайин камайиб бораётир. Бу эса ўз навбатида кўпроқ фойда олиш учун имкон яратаётир.

Корхонада ўтган йили бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун 76 тийин харажат қилинди. Ҳар бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришдан 24 сўмдан соф фойда олиш — бу мамлакатимиздаги шу тармоқ корхоналарига солиштирсак жуда юқори натижа ҳисобланади.

— Ҳар бир жабҳада тадбиркорлик билан иш юритиб, ишнинг кўзини биладиган мутахассислар билан бамаслаҳат ҳаракат қилиб, тежамкорликка эътибор берилсагина пировардида кўпроқ фойда олинади, — дейди акциядорлик жамияти раиси Эркин Қўшаев.

— Технологик жараёнларни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчилар, инженер техник ходимларни меҳнатига яраша рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш ҳам қўл келаётир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 404,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган эди, ҳақиқатда эса 599,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирсак анча юқори кўрсаткичдир.

"Шоҳруд" акциядорлик жамиятининг шуҳрати йил сайин ортиб бораётир. Кейинги йилларда вилоятда жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Амалга оширилган ободончилик, қурилиш ва тарихий қадамжоларни ҳамда обидаларни таъмирлашга акциядорлар муносиб ҳисса қўшаётир. Шунга ҳамоҳанг ҳолатда меҳрибонларини йўқотганларга, ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдамлар берилаётир. Муҳтожларга саховат гулдасталари улашилаётир. Халқаро хотин-қизлар куни, "Наврўз" байрами муносабати билан 1 миллион 352 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Бухоро шаҳридаги 7-ўрта мактабга оталиқ ёрдами кўрсатилди.

Акциядорлик жамиятида меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик, ёшлар онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни шакллантириш мақсадида семинарлар ўтказилди. Корхонада вилоят телерадио компанияси билан ҳамкорликда терроризмга қарши курашиш, «Огоҳликка даъват» мавзусида йиғилиш ўтказилди.

— "Меҳр ва мурувват йили" деб аталган жорий йилда ҳали амалга оширишни режалаштирган катта-катта хайрли ишларимиз бор, —дейди ҳамроҳимиз Эркин Қўшаев.

Ҳа, савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак деб донолар бежизга айтмаган.

**Мансур ҚОДИРОВ**



Бухорода мисгар — чеканчилик саънатининг давомчилари кўп.

## «ЖИҲОД»ЧИЛАРНИНГ МАНФУР ҚИЁФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

28 март. Соат 20 га яқин Ромитан туманининг Қаҳрамон қишлоғида истиқомат қилувчи нафақахўр Неъмат Раззоқовнинг уйида юз берган портлаш натижасида унинг ўғли Нурмат, келини, икки невараси ва яна бегона 6 киши ҳалок бўлди. Ҳалок бўлганларнинг бир неча нафари портлашдан сал илгари «Москвич» автомашинасида бу ерга келишган эди.

Бузилган хонадонни тозалаш чоғида бу ердан қўлбола портлатгичга айлантирилган 62та пластик идиш, 1 та автомат ва унинг бир неча қути ўқлари, шунингдек, аккумуляторли рация ва портлатгичларнинг соат механизмини ишга солиш ҳақидаги йўриқнома топилди.

Портлаш чоғида ҳалок бўлган, террорчиликда гумон қилинганлар яшаш жойида олиб борилган тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатлари жараёнида турли ҳаждаги 17 та бочка ва 15 та халта ичидан умумий оғирлиги 1,5 тоннадан зиёд бўлган аллюминий упаси аралаштирилган аммиак селитраси, ўнлаб қўлбола детонаторлар, заводда ишлаб чиқарилган 50 тадан ортиқ электр детонатор, шунингдек, ақидапарастлар ва "Хизбут-таҳрир" оқими тарафдорлари ўртасида кенг тарқалган диний-экстремистик мазмундаги кўплаб китоблар топилди.

1 апрель. Қаҳрамон қишлоғидаги портлаш чоғида ҳалок бўлган Бобир Омоновнинг 1982 йилда туғилган хотини Фароғат Акромова соат 15.55 да Ромитан шаҳар С. Айний кўчасидаги хонадонида қўлбола портлатгич билан ўзини ўзи портлатгандан сўнг оғир ярадор ҳолда туман касалхонасига ёткизилди.

Бу портлаш чоғида аёл эрининг кичик синглиси — 11 яшар Зарина Саидова ҳалок бўлди.

Ромитан тумани прокуратураси ёнида юз берган портлаш ҳақидаги шов-шув тасдиқланмади.

Тергов чоғида Бухорода террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга шайланиб турган кўпорувчилар гуруҳи аъзоларининг хориждаги жангарилар лагерларида тайёргарликдан ўтганлари,уларнинг ўз хотинлари учун шундай ўқувларни ташкил этиб, зарур сигнал берилган чоғида портлатгичларни ишлатишни ўргатганлари аниқланди. Қўлга олинган жангарилардан бирининг хабар беришича, уларнинг гуруҳига террорчиларнинг Бухородаги ташкилотчи сардори Лутфулло Рамазонов (у 30 март куни Тошкентда ўтказилган махсус операция чоғида йўқ қилинган) томонидан портлатгичлар билан тўлдирилган "Дамас" русумли автомашина воситасида вилоят марказида кўпорувчиликни амалга ошириш ҳақида буйруқ берилган. Аҳоли гавжум бўлган жойларда пластик шишаларга солинган қўлбола портлатгичларни ишга солиш, қўлга олиниш хавфи туғилганда эса ўзларини ҳам портлатиш режалаштирилган.

Юқорида тилга олинган рақамлар ва далиллар кўпорувчиларнинг ўз ватандошлари ёстиқларини қуритишга узоқ муддат ҳозирлик кўрганларини, бу ёвуз ниятларига эришишда ҳатто ўзларининг энг яқин кишилари, хотинлари ва болаларини ҳам нобуд қилишга тайёр турганларини кўрсатмоқда. Хўш, буларнинг барчаси нима учун қилинди?

Ромитандаги диний-экстремистик гуруҳ аъзолари "динсизларга қарши жиҳод" эълон қилиб, узоқ муддат бу қабиҳ режаларига тайёргарлик кўришган. Улар фақат ўзларини ҳақиқий мусулмон билиб, бошқаларни кофир деб атаганлар. Ўзларини "жамоат" деб атаган тор гуруҳ, оилалари доирасида яшаб жамиятдан тамомила ажралиб қолган бу кимсалар ислом ақидапарастлиги ва экстремизми руҳида тарбияланганлар. Улар асрлар давомида қарор топган халқимиз урф-одатлари ва анъаналарини, азиз авлиёларимизни куфр деб эълон қилишган.

"Жиҳод"чилар гуруҳи шаҳарнинг турли жамоат жойларида — ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот органлари, мактаблар ва синагог ёнида портлатишларни амалга оширишни режалаштиргандилар. Қизиғи шундаки, улар бу ёвуз ниятларини рўёбга чиқариш учун ўз хотинлари ва сингилларига мўлжалланган "шаҳидлар камари"ни тайёрлатиб, ундаги қўлбола портлатгичларни ишга шай ҳолга келтириб қўйган эдилар. Мутаассибларнинг шу йўл билан ҳалок бўлган шаҳидлар тўппа-тўғри жаннатга тушиши ҳақидаги сафсаталари турган гапки, соғлом фикрли ҳар бир киши қалбини қаҳр-ғазабга тўлдиради.

Тўғри, бахтга қарши ҳозир ҳам бизда хотин-қизларнинг уйдаги зўравонликка норозилик сифатида ўзларини ёқиш ҳоллари гоҳида учраб туради. Бироқ бундай аёллар ҳам бошқаларни ўзлари қатори ўлимга маҳкум этмайдилар. "Жиҳод"чиларнинг шум ниятлари уларнинг ўзларига ўлим келтиргани ёмонлик учун жазо муқаррар эканини яна бир бор амалда кўрсатди. Ромитандаги портлашни ислом қонун-қоидаларига қарши иш тутган ёвузларнинг Аллоҳ томонидан жазолангани га менгзаш мумкин.

Мамлакатимизнинг халқаро терроризмга қарши курашда фаол қатнашаётгани ҳамда Афғонистонда амалга оширилган аксилтеррор операцияларида иштирок этган бирлашган кучларга шерикчилик ёрдами кўрсатаётган бутун дунёга маълум, бу жиноятларнинг кўпорувчилик хатти-ҳаракатларини олиб бораётган "Ал-Қоида", "Ўзбекистон ислом ҳаракати" каби террорчилик ташкилотлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги ҳозирнинг ўзидаёқ маълум бўлди. Бироқ халқимиз бу қора кучлардан сира чўчимай, экстремизмга қарши курашни жипслашган ҳолда янада фаолроқ олиб бормоқда.

Бегуноҳ одамларнинг, аёллар ва болаларнинг ўлими учун чуқур изтироб чекилаётган бир пайтда қатор хорижий оммавий ахборот воситаларининг юз берган воқеаларни нотўғри, бир ёқлама талқин этганлари мени бир журналист сифатида бениҳоя ранжитди. Чунончи, Россия оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган қатор репортажларда ушбу воқеалар конституцион тузумни куч билан ўзгартириш мақсадида амалга оширилган кўпорувчилик ҳаракатлари сифатида эмас, балки халқнинг "мамлакатдаги қийин ижтимоий-иқтисодий аҳволга қарши норозилиги" сифатида талқин қилинди.

Ҳеч кимга сир эмаски, ўтиш давридаги бошқа давлатлар қатори, бизнинг мамлакатимизда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳада камчиликлар оз эмас. Бироқ кичкинтойларни, аёлларни ва қарияларни ҳалок этиш билан бу муаммолар ҳал бўлмайди-ку?! Сенга оғир бўлган даврда муаммоларни ҳал қилиш учун уйингга кириб, уни потлатмайсан-ку? Балки келажакда уйни фарзандларингга қолдириш учун уни мустаҳкамроқ қилиш чорасини кўрасан.

Турли хил мақсадлар, иззат-нафсоният учун амалга оширилган ҳеч бир террористик ҳаракатни сира оқлаб бўлмайди.

Исломнинг ақидапараст тарғиботчилари ҳеч қачон дунёвий давлат тараққиётини тўхтата олмайдилар, халқимизнинг асрлар давомида вужудга келган қадриятларига зиён етмайди.

Халқимиз бегуноҳ ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари қайғусига шерик бўлгани ҳолда бунёдкорона меҳнатини бир дақиқа ҳам тўхтатгани йўқ. Республикада, жумладан вилоятимизда ҳаёт оқими одатдагидек давом этмоқда. Қўшни давлатлар билан чегараларимиз аввалгидек очиқ. "Буюк ипак йўли" туристик маршрути бўйлаб дунёнинг турли мамлакатларидан ўлкамизга келаётган сайёҳлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ҳар куни эрта тонгда уйдан чиқиб, Болоҳовуз меъморий мажмуи ёнидан ўтиб ишга бораётганимда кўплаб туристик автобусларга ва ёдгорликларни қизиқиш билан томоша қилаётган сайёҳларга дуч келганимда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламан. Юз берган нохуш воқеалар чет элликларнинг қадимий Бухорони зиёрат қилиш йўлидаги орзу-умидларига тўсиқ бўлолмади. Шу боис ҳозир шаҳарга келаётган сайёҳлар оқими тобора ортмоқда, хориж туристик фирмаларидан саёҳат учун тушаётган буюртмаларнинг кети узилмаяпти.

9 апрель куни Бухорога келган ана шундай сайёҳлар гуруҳининг бирида Германия фуқаролари Эрик Минеа ва Линина Аннет ҳам бор эдилар. Биз билан суҳбатда бу сайёҳлар уларнинг мамлакати Афғонистондаги аксилтеррор коалициясининг фаол иштирокчиси эканини қайд қилдилар. Европа яқинда ягона аксилтеррор марказини яратиш ҳақидаги битимга имзо чекиб, XXI асрнинг вабосига нисбатан ўз муносабатини билдирди. Меҳмонларнинг фикрича, эндиликда Европа ҳам Марказий Осиё сингари террорчиларга қарши курашда фаол қатнашмоқда. Зеро, терроризм бугунги кунда маълум бир ҳудуддан чиқиб, глобаллик аҳамият касб этар экан, унга қарши маҳаллий ташкилотлар баробарида глобал институтлар ҳам яратилмоғи даркор.

Шаҳримиз меҳмонларининг қайд қилишларича, Ўзбекистоннинг фаол тарафдори бўлган аксилтеррор компаниясида қатнашаётган мамлакатлар ҳудудида бирин-кетин кўпорувчилик ҳаракатлари содир этилган. Сайёҳлар Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб ўтган туристик маршрутда, жумладан, Бухорода халқимизнинг барқарор, тинч-тотув турмушига гувоҳ бўлишганларини айтишди. Ўзбекистоннинг бугунги жамияти учун терроризм ғоялари тамомила бегона, одамларнинг ривожланиш даражаси ўсиб бораркан, тинч аҳолига қирғин келтирувчи терроризмнинг Мутаассибликнинг чириганлиги, эскирганлиги, келажаги йўқ эканлиги аён бўлаверади.

Немис меҳмонларнинг гапига қараганда, 30 март куни улар Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонасининг маданият ишлари бўйича атташесига қўнғироқ қилганларида, у хавфсизлик нуқтаи назаридан сайёҳларга Ўзбекистонга келмасликни тавсия этган. Бироқ сайёҳлар гуруҳи атташенинг тавсиясига қарамай, Ўзбекистонга келди ҳамда дипломатнинг ҳадиги бекор, мамлакат ҳаёти барқарор эканини ўз кўзлари билан кўрди. Меҳмонлар таъкидлаганларидек, Ўзбекистоннинг буюк сайёҳ Марко Поло асарларида таърифланган эртакнамо шаҳарларида бўлишни узоқ вақтдан буён орзу қилишган. Бухорога ташриф чоғида Шарқнинг бетакрор гўзаллигига, бу ердаги қадимий ёдгорликларнинг кўз қорачиғидек сақланаётганига кўр келибишди. "Одамлар чеҳрасидаги қувончда, уларнинг самимий меҳмондўстлигида бу диёрнинг, бутун Ўзбекистоннинг эртанги кунга бўлган қатъий ишончини яққол ҳис этдик", дейишди хорижлик сайёҳлар биз билан хайрлашув чоғида.

Чинакам фан ва дин бизда ҳеч қачон бир-бирига қарама-қарши турмаган. Бухоролик олимлар ҳамиша динга эътиқод қилишган, унга ҳурмат билан қарашган. Улар атроф-борлиққа ақл-заковат ва ҳақиқат нигоҳи билан боқар эканлар, ҳар доим диний қадриятларни эъзозлашган. Бухоро шаҳрида, бутун вилоятда ўнлаб масжидлар, мусулмон зиёратгоҳлари давлат маблағлари ва юртдошларимизнинг хайрия пуллари ҳисобидан қайта таъмирланди. Улар орасида Калон масжиди, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳлари, Чорбакр меъморий мажмуи ва бошқа ёдгорликлар бор. Ҳозир Шарқнинг буюк файласуфи ва шоири, шу юрт фарзанди Хожа Исматуллоҳ Бухорий меъморий мажмуини ва боғини яратиш бўйича катта кўламдаги бунёдкорлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Бухоро кун сайин кўркамлашмоқда, йирик спорт мажмуалари барпо этилмоқда, боғ ва хиёбонлар гўзаллиги кўзни қувонтирмоқда. Менинг отам мусулмон, онам христиан эдилар. Шу боис оиламизда Қурбон ҳайити, Пасха ҳам ота-оналаримиз байрами сифатида катта қувонч билан нишонланади. Бундай оилалар эса оз эмас...

Ҳаёт ўз маромида давом этар экан, олға томон бораётган давр шиддатини, мустақил давлатимиз тарихини, унинг нурафшон йўлини ортга қайтарадиган ҳеч қандай куч йўқ. Бу иш ўз насл-насабини, она-юрти тарихини, ҳақиқий ислом асосларини билмаган манқурт террорчилар қўлидан ҳам келмайди.

Мен дунёда ёмонликни, қаҳр-ғазаб ва ҳасадни йўқотадиган сеҳрли дуоларни билмайман. Аммо ишончим комилки, барча нарсага лоқайд қарайдиганлар қанчалик кам бўлса, одамлар бир-бирларини шунчалик тез тушунадилар, ҳурмат қиладилар, севадилар.

**Светлана АҲМЕДОВА**

*9 май — Хотира ва Қадрлаш куни*

# АНДИЖОНДА КАТТА ТЎЙ БЎЛДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Меҳмонлар шоир туғилиб ўсган хонадонда бир пиёла чой баҳона, онаси Энахон аяни зиёрат қилдилар. Муҳаммад Юсуф номи билан аталувчи мактабда катта тантана. Атлас кўйлак ярашган шоирнинг ҳамқишлоқ сингиллари гулдасталар билан меҳмонларга пешвоз чиқишди. Мактабни мактаб эмас, гўё Муҳаммад Юсуфнинг музейига қиёсладик. Мактабдаги хотира кечаси шеърият байрамига айланиб кетди. Сўзга чиққанлар тўлиб-тўлиб шеърлар ўқишди. Хотира — қалбдаги адабий ҳайкал эканига яна бир карра иймон келтирдик. Муҳаммад Юсуфнинг оддий сўзларга жон киргизадиган шеъриятига ҳасанотлар айтишди. Тантаналарда сўзга чиққанларнинг барча-барчаси муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовга шоирнинг номини улуғлаш ташаббускори бўлгани учун самимий миннатдорчилик билдиришди.

Андижон шаҳрининг қоқ марказида жойлашган Бобур номидаги театр биноси байрамона безатилган. Театр заллари рассомлар чизган, фотосуратчилар олган суратлар билан безатилган. Қайси томонга қараманг Муҳаммад Юсуф, унинг устозлари, дўстлари ва мухлислари билан тушган тарихий суратлар.

Саҳнага Муҳаммад Юсуфнинг каттакон расми илиб қўйилган. Шоир тирикдай боқиб турибди.

Халқ дардини баралла айтган, юрт-муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда ватанпарварлик руҳига сингдириб юборган шоирнинг тўйида пойтахт Тошкентдан, бошқа вилоятлардан ташриф буюрган алломалар, шоирлар, ёзувчилар, арбоблар, ҳамқишлоқлари сўзладилар

Андижонлик шоира Хуршида шеър ўқийди:

***Тириклик нимадир?..***
***Фоний хаёлот!***
***Ишқ излаган баёт, висолсиз фарёд!***
***Ким бешафоатдир, ким бесаховат,***
***Сўнги надоматдир санги маломат.***

***Дилдаги дардли оҳ — серҳадик***
***гулмоҳ.***
***Юракни тилмоқдир риёни билмоқ!..***
***Ким беҳаловатдир,***
***Беишқ саломат,***
***Ажри саодатдир ҳажру харобот.***

***Пайғом ҳадя этган Лайлатулқадр:***
***Ҳар бир сиқим тупроқ —***
***Биттадан қабр!***
***Кимларга роҳатдир, сабр — ҳидоят,***
***Бу чин ривоятдир, бу чин ривоят!..***

***Тириклик бу назм! Залворли, азим,***
***Икки жаҳон ичра жон бермоқ жазм!***

***Иншооллоҳ, ўшал соҳиби фазл —***
***Ким аҳли жаннатдир,***
***сўзлари абад —***
***Шоир Муҳаммаддир,***
***шоир Муҳаммад.***

Халқ артистларидан тортиб эндигина биринчи бор саҳнага чиққан ҳаваскорларнинг барча-барчаси шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни ижро этишди. Тантана қатнашчилари шоир ўғлини шу қадар улуғлагани учун андижонликларга куллуқ айтишди. Тантана сўнггида Энахон ая қўлларини дуога очади: “Илохо юртимиз тинч бўлсин, Муҳаммаджонимни ўғлидек кўрган Президентимиз соғ бўлсин, йўлларни, қабристонларни, мактабларни обод қилганларнинг қўллари дард кўрмасин“.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.**

# САТРЛАРГА СОЧИЛГАН УМР

Мусибат ва абадий айрилиқлар қошида ожиз эканмиз. Тақдирда бу фоний дунёга келмоқлик ҳам ва у боқий дунёга сафар қилмоқлик ҳам ёзилган экан, фақат Оллоҳнинг иродасига сабр-тоқат этмоқликдан бошқа чора йўқ. Аммо, энди фарзандлар оёққа туриб орзу-умидлар рўёбга чиқа бошлаган бир чоғда оламдан ўтган отага ҳамма ачинар, қайғурар экан. Бизнинг пешонамизга ҳам шундай тақдир ёзилган экан, наилож.

...Падари бузрукворимиз, меҳрибон дадажонимиздан айрилганимизга ҳам ўн йил бўлибди. Худди кечагидек ёдимда: эллик ёшида бизни доғу-фироққа ташлаб кетган мусибатли кун...

Бугун ҳаёт бўлганингизда олтмиш йиллик тўйингизни қилардик. Кўкрагингизга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонингизни тақиб олардингиз.

Дўстларингиз, шогирдларингиз, ҳамкасбларингиз, сиздан яхшилик кўрганлар саҳоватингиз, меҳр-мурувватингиз, олий-ҳимматингиз, ҳақиқатни ҳимоя қила оладиган мард ва тўғрисўз журналистлигингиз, муҳтожлар мушкулотини осон қилиб дилингиз шод-чароғон юрадиган хислатли инсонлигингиз ҳақида кўп гапиришади. Эшитиб кўнглим таскин топади сиздек инсоннинг фарзанди эканимдан ғурурланиб кетаман.

Эсимда, айтганларингиз доимо ёдимда, «одамлар бор, умрида яхшилик қилмаган», дер эдингиз. Сиз экиб кетган эзгулик дарахтлари мева бериб турибди. У меванинг лаззатини фарзандаларингиз тотяпмиз...

Журналист ҳаётни тўғри талқин қилиши учун, ёзганлари нечоғлик ишончли чиқиши учун кўпроқ одамлар орасида бўлиши керак деб тез-тез такрорлардингиз. Айтган гапига амал қилмоқликни сизнинг мисолингизда кўп кўрганман. Мана шундай хотира, таассурот:

«Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида дадам пойтахтдан Қаршига келиб «Ёш ленинчи», ҳозирги «Туркистон»нинг учта — Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари бўйича махсус мухбири сифатида ишлай бошлади. Ҳар куни тинимсиз ижод қиларди кечалари ҳам ёзув машинкасининг овози тинмасди. Бугун Бухорода, эртасига Термизда, ундан кейин олис Деҳқонобод туманида... кечарди хизмат сафарлари.



Ёдимда: кўпроқ очерк, лавҳа, репортажлар билан бирга танқидий мақолалар, фельетону луқмалар ёзарди. Улар гарчи тез ёзилган бўлса-да, қайта-қайта ишлашдан эринмасдилар. Эҳҳе, уйқусиз тунлар, ҳамма ҳаммаси кўз ўнгимда...

— 1976-77 йилларнинг баҳори эди, дея ҳикоя қилади деҳқонободлик бир мўйсафид. — Отангиз туманимизга келган экан. Бир хат юзасидан қишлоғимиз — Бошчарбоққа туман раҳбарияти вакиллари, ҳамда бизнинг совхўз директори билан келдилар. Одамлар йиғилди. Шикоятчилар ҳаммалари бирбир туриб хатни ўзлари ёзганликларини тан олишди. Улар директорнинг қонунсиз харакатларидан норози эканликларини билдириб, кирдикорларни баён қила кетишди. Хуллас 3-3,5 соат атрофида хат ўрганилди. Журналист қайтишга тушди. Туман, хўжалик раҳбарлари қистовига қарамай, улар «тайёрлаган» зиёфатга ўтирмади. Қайтанга, шикоятчиларга «қараб» «мен сизларнинг уйларингизда меҳмон бўламан қани, бошланглар, қора ундан қилинган нон борми, қатиқчи?» дея юзландилар... Ўша воқеа кечагидай ёдимда. Отангизнинг камтарлигига, одамохунлигига тан берганмиз...

Яхшилик сира унутилмайди... Ўша йилларда биз кўп қаватли уйда — «дўм»да яшардик. Уч хонали квартира. Лекин уйимизда туриб ўқувчилар кўп эди. Уларнинг аксарияти қишлокдошларимиз, бўлса, қолганлари дадамдан ёрдам сўраб келган — ночор оилаларнинг фарзандлари эди...

Шикоят хати орқали яқин бўлиб қолган Сайёра опа бир куни калта бўйли, қорамағиздан келган қиз билан келиб қолишди. Ўша қарамоғимиз қиз — шаҳрисабзлик Ҳабиба эди. Шу бўйича иккалалари ҳам бизникида қолиб кетишди.

Мен 7-8 ёшлар атрофидаги бола эдим, укаларим ҳали эсини танимаган. Хонтахта атрофи: дадам, онам, Ҳабиба опам. Чамамда Ҳабиба опа ота-онасининг ночорлиги, у ерда «Шаҳрисабзда-)иш топиш амримаҳол, яна ўқимоқчи эканлигини айтиб йиғлаётган эди. Дадам онамга бир қараб қўйдилар, кейин томоқ қириб гап бошладилар:

— Майли, қўй, хафа бўлма, ҳаммаси ўтиб кетади, бизникида яшайверасан. Мени отанг, янгангни онанг ўрнида, манави болаларни укаларинг ўрнида кўр, — дея уни кўнглини кўтардилар.

Шу-шу Ҳабиба опа бизникида қарийб 10 йилча яшаб ўқиди, олий маълумотли бўлди. Кейин эса яна қишлоғига кетди. Турмушга чиқди... Дадам, онам боис Ҳабиба опа барча қариндошларимизга яхши таниш, қадрдон. Ҳали ҳам бир-биримизни соғиниб яшаймиз... Дадам билан онам дунёдан ўтганларидан кейин ҳам Ҳабиба опа билан қадрдонлигимиз узилган эмас...

Идрок — имконият калити, — дердилар дадам. Мағзига кейин тушуниб етдим... Ўзлари ҳам кўп китоб мутоала қиларди. Катта-кичик қариндошлар ҳам бирор-бир тадбир маслаҳатини дадамсиз ўтказмасдилар. Барчанинг фикри бир томону, дадамга келганда «Қани, Мусо ака нима деркан», дея кутиб туришарди.

Оилада эса тарбия биринчи ўринда эди. Ҳафтада бир бор кундалик дафтарлар кўрикдан ўтарди. 20 дан ортиқ газета-журналларга обуна бўлгандик. Демак шунча нашр навбати билан уйимизга келарди. «Хўш, сен қайсини ўқидинг, фалон газетанинг бугунги сонида нима чиқибди» деган маънодаги сўровлари бўларди. Ўқиш билан уқиш оралиғидаги маънони шунда англаб етганмиз.

Ўшанда журналистикага меҳрим тушган. Республика матбуотида мамлакат бўйлаб акс садо берган ва кўпчиликни ўйлантириб қўйган юзлаб мақолалари чоп этилди. Дадам 16 йил ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири лавозимида ишладилар, чинакамига меҳнат қилдилар.

Мана, ўша вақтда чоп этилган ва албомга елимлаб қўйилган «Келажак — бугундан бошланади», «Савдодаги ғавғолар», «Таназзул сабаблари нимада?» «Ўринбосар кимнинг эркаси?», «Қонун бундай дейди, ҳоким ундай...», «Касбининг косиблари...» сингари таҳлилий, мулоҳазали, мақолалар...»

Ўзингизга ярашган чиройли дастхатларда битилган хотираларингиз ва хикматли мисраларингизни кўзимга суртаман. Уларга сизнинг кўз нурларингиз, умрингиз сочилган. Сизнинг дўстларингиз, ҳамкасбларингиз доимо менга меҳр кўрсатаётир. Босган изларингизни табаррук билиб сиз ишлаган даргоҳда мухбирлик қиляпман. Ҳозиргина устозингиз, таниқли адиб, Ўзбекистон журналистикаси дарғаларидан бири Мақсуд ота Қориев билан сизни хотирладик: «Ётган жойларингиз нурларга тўлсин, етган жойларингиз жаннат бўлсин!..

**Илҳом КАРОМОВ.**

# БУГУН НИМА ЎЗГАРДИ?

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Бунинг устига дард устига чипқон деганидай, мактабларда йил сайин ўрта маълумотли, турли хил қисқа курсларни битирган, кўпларининг мактабга, таълим-тарбияга умуман алоқаси йўқ ҳужжатли шахслар муаллимчиликнинг шамини ёндирмоқдалар. Улардан ҳақиқий, моҳир муаллимлар чиқармикин? Уларга ўқитувчилик вақтинча, кези келса, ташлаб кетилаверадиган ишга айланиб қолмадимикан? Тирикчиликни ўтказиб туриш учунгина бир эрмак бўлиб қолмаётганмикин? Ораларида заҳматкаш; виждонли таълим-тарбия ишига жон-дилидан қизиқувчилар ҳам оз эмас. Аммо уларнинг ҳақиқий малакага, чин ихтисос эгаси бўлишларига кимдир қайғуриши керак-ку? Қайғурадиган мактаб раҳбарларининг ўзи муаммолар гирдобига ғарқ бўлаётган эса!

Ҳужжатда "умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш" ҳақида қимматли фикрлар, йўл-йўриқлар бор.

Фармойишда муаллимларнинг қишлоқларда муқим жойлашиб қолишлари масалаларига алоҳида эътибор қаратиш таъкидланган. Албатта, муаллимликни ҳаётим, деб билганлар сараланиб, мустаҳкам қонунлар, йўл-йўриқлар асосида давлат томонидан оиласини, муаллимлик ҳаётини фаровон қилиш учун маълум муддатларга мўлжалланган иқтисодий ёрдам берилиши йўлга қўйилганида бу ўта муҳим масаланинг натижалари ҳаркалай ёмон бўлмасди. Ўқитувчига шу ўта олижаноб касб — ҳаёт кечиришига етарли бўлиши учун унга ижтимоий кафолатланган муайян ёрдам усуллари ғоятда зарур.

Ҳужжатда бошланғич синф муаллимлари меҳнатларини рағбатлантириш алоҳида қайд этилган. Бунга тўлиқ қўшилган ҳолда қуйидагини айтиш мумкинки, ўқувчилар асосан 5-синфгача илмга ўта интилувчан бўлади. Кейин турфа хил муаллимларнинг турли хил услубдаги дарс ўтишларидан фойда олиш билан бирга чалғувчан ҳам бўлар экан, чунки бола тез илғовчан ва айни вақтда енгилини танлаш болалик учун табиий ҳол. Меҳнатни рағбатлантириш унинг самарасига, яъни ўқувчининг саводхонлиги қандай ошиб, юксалиб бораётганлигига қараб белгиланса, айни муддао бўлади. Албатта, барча ҳар доим таълим-тарбия билан банд. Лекин унинг даражаси, савияси доимо баробар эмас. Дарсларни мунтазам таҳлил қилиб, холисанилло баҳолаш, ҳақиқий аҳволни ҳеч қачон яширмаслик катта аҳамият касб этади. Оқни оққа, қорасини қорага ажратадиган маорифчилар кун сайин камайиб бормоқда. Бу ҳам етмагандай баъзи жойларда ўқитувчи етишмайди баҳонасида бошланғич синфлар тасодифий кишилар ихтиёрига бериб қўйилмоқда.

Ҳужжатдаги муаллим меҳнатини рағбатлантиришга оид тушунчалар умумлаштириладиган бўлинса, бу фармойишнинг салкам ярмини ташкил қилади ва буларнинг барчаси тариф ставкасида боғланади. Худди мана шу тариф ставкасига уланган "истеъдодли, ўз касбига содиқ, таълим ва тарбия жараёнига катта ҳисса қўшган ўқитувчиларни рағбатлантиришнинг самарали механизмини вужудга келтиришни назарда тутган ҳолда" уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг ставкага боғланиши яхши самара бериши кутилмоқда.

Мактабда самарали рағбатлантириш тизими ишга тушса, ана шунда мактабдан муаллим қочиш ўрнига унга кела бошлайди.

Шароит ҳар қанча оғир бўлмасин, азалдан маърифат қийинчиликларни енгиб келган. Чунки биз келажак авлодни тарбиялаймиз. Буни ҳеч соҳа меҳнаткашлари муаллимчалик тушунмайди ва мажбурлик масъулияти ҳам уларга муаллимларга берилганчалик берилмаган.

Инқилобий ишлар амалга ошганда улуғ муродлар ҳосил бўлади. Инсонлар борки, уларнинг орасида нурга — маърифат ва таълим-тарбияга талпиниб яшаганлари яхшиларидир.

**Омон ТОВБОЕВ.**
**Зарбдор тумани.**

## ҚАРАНГ-А, УЛАРДА ВИЖДОН БОРМИ?

**Меҳрибонлик уйлари раҳбарлигига кадрлар тўғри танланмаганлиги, уларнинг фаолияти устидан идоравий назорат сусайганлиги натижасида турли суиистеъмолчилик ва талон-торожликларга йўл қўйилаётир. Тошкент шаҳридаги "Меҳрли савдо" давлат корхонаси директори Ш. Абдуллаев ва бошқалар пойтахтдаги меҳрибонлик уйларига сақлаш муддати ўтган, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар тарқатиб, маҳсулотларни белгиланган миқдордан кам бериб, давлат манфаатларига 150 миллион сўмдан зиёд моддий зарар етказган. Меҳрибонлик уйлари фаолиятидаги қўпол қонунбузилишлар юзасидан жами 22 та жиноят иши қўзғатилди.**

**Халқ таълими вазирлигининг бир нечта ходими вазифасидан бўшатилди. Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов, Юнусобод тумани ҳокимлари интизомий жазога тортилди.**

**Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи" бош ҳисобчиси С. Исматов ва кассири Ф. Умаровлар жиноий тил бириктириб, иш ҳақи ва бошқа харажатлар учун ажратилган 800 минг сўм пулни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.**

**Кармана туманидаги махсус мактаб-интернат омбор мудири З. Мухторова болаларга берилиши лозим бўлган 261 минг сўмлик озиқ-овқатни ўзлаштириб, ногирон болалар ҳақига хиёнат қилган.**

*«Миллий тикланиш» танловига!*

## Ватанни асранг, дўстлар, Виждонни асранг, дўстлар!

# ГИРДОБ

**Манбаларга кўра, бугунги кунда жаҳон аҳолиси олти миллиарддан ортиқ кишини ташкил қилса, улардан беш юз миллиони гиёҳвандлик моддаларини доимий истеъмол қилувчилар экан. Энг ташвишланарлиси, «оқ ажал» исканжасига тушганларнинг етмиш фоизидан кўпроғини ҳали ўттиз ёшга етмаган ёшлар ташкил қилади.**

**Хўш, инсонлар ўзини ҳалокатга етакловчи бу офатга, бу касофатга нима учун ружу қўймоқда?**

Гиёҳвандлик соғлиқнинг кушандаси, инсонларнинг тинч-осойишта ҳаётини бузувчи, бутун инсониятни ташвишга солган офатдир. У билан боғлиқ муаммолар йилдан-йилга кўпаймоқдаки, камайгани йўқ.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги Гиёҳвандлик моддалари устидан назорат қилувчи халқаро қўмита маълумотларига кўра, гиёҳвандлик моддаларини ишлаб чиқаришга сарфланган бир АҚШ доллари ўртача минг фоиз фойда келтиради. Ҳар йили дунё бўйича 350-420 миллиард долларини миқдоридаги бож ва солиқ тўланмайдиган маблағ гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишида иштирок этар экан. Мутахассисларнинг фикрича, гиёҳванд моддалар савдосидан келадиган йиллик соф даромад етмиш беш миллиард долларни ташкил этади.

Бундан ташқари, сўнгги пайтларда гиёҳванд моддалар устидан назорат кучайганлиги учун кўкнор, марихуанага ўхшаш нисбатан кучсиз ва ташиш чоғида кўп жой эгаллайдиган моддалар ўрнига опий, героинга ўхшаш ўта кучли гиёҳвандлик моддаларини кам миқдорда олиб юриш авж олмоқда. Уни ташишда транзит йўловчиларни арзимас ҳақ тўлаш эвазига кийимлари, юклари орасида, ҳатто ампулаларга жойлаб ошқозон ва бошқа аъзоларида, бундан ташқари, унчалик шубҳа остига олинмайдиган кексалар, ёш болалар ва ҳатто чақалоғи бўлган аёлларни (йўргакка ўраб) гиёҳванд моддаларни бир мамлакатдан бошқасига олиб ўтишга кўндириш ҳоллари содир бўлмоқда.

Мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солиб, аллақачон жаҳон ҳамжамиятининг нафратига дучор бўлган, халқаро терроризм ёки диний-экстремизм тарафдорлари, деб аталаётган кимсаларнинг асл мақсадлари ҳам давлатларни уруш-тўполонлар билан чалғитиб, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши учун янги йўллар очишдан иборат эканлиги кўпчиликка сир эмас.

Гиёҳвандликка қарши бутун дунёда, айниқса мамлакатимизда кескин кураш олиб борилаётганлигига қарамай, у билан боғлиқ жиноятлар камайгани йўқ. 2003 йил мобайнида республикамизда содир этилган жиноятларнинг ўн бир фоизи гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлардир.

Ўтган йил мобайнида республикамиз ички ишлар идоралари томонидан аниқланиб, қўлга олинган жиноятчилардан мусодара қилинган жами гиёҳвандлик моддаларининг миқдори 741,8 килограммни ташкил этган бўлса, улардан 362,3 килограмми героин, 107 килограмми опий, 16,4 килограмми кўкнор, 244,4 килограмми марихуана ва 4,4 килограмми гашиш.

Республикамиз ҳукумати 1995 йилнинг февралидаёқ БМТнинг 1988 йилда ташкил топган гиёҳванд ҳамда асабга кучли таъсир этувчи моддаларни ишлаб чиқаришга ва тарқатишга қарши давлатлараро кучларни бирлаштириш Конвенциясига қўшилган эди. Бу Конвенция унга аъзо бўлган давлатлар зиммасига гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний сақлашни таъқиқлаш (33-модда), гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилишга қарши барча чораларни ишга солиш (38-модда), гиёҳвандликка чалинган шахсларни аниқлаш, уларни мажбурий даволаш, тарбиялаш, гиёҳвандлик ҳамда асабга кучли таъсир этувчи моддаларни истеъмол мақсадларида қонунсиз сотиб олганлик ва сақлаганлик учун жазо чораларини қўллаш (3-модда) мажбуриятини юклайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон барча МДҲ давлатлари, Чехия Республикаси, Германия, Туркия, Покистон ва шу каби қатор давлатлар билан гиёҳвандликка қарши биргаликда кураш олиб бориш тўғрисида давлатлараро Битимлар, шу давлатлар ҳуқуқий идоралари ўртасида эса шартномалар имзолаган. Вазирлар Маҳкамаси қошида Гиёҳванд моддалар устидан назорат олиб борувчи ва таҳлил ишлари билан шуғулланувчи Миллий Марказ тузилган.

Ҳисобда турадиган гиёҳвандларни мажбурий даволаш ва қайта тарбиялаш ишлари сифатини такомиллаштириш мақсадида, сўнгги пайтларда республикамизда гиёҳвандларни даволаш марказлари очилган. Аммо уларда даволаниш учун жуда катта маблағ талаб қилинади. Ҳамма гиёҳвандлар бу марказларда даволаниш имкониятига эга эмаслар. Шу сабабли, бу тоифадаги шахсларни жиноятчи сифатида эмас, балки бемор сифатида давлат томонидан даволанишни ташкиллаштириш масаласи ўйлаб кўрилса, қандай бўларкин?

Республикамизда гиёҳвандлик моддаларининг етиштирилиши, тайёрланиши ва ноқонуний айланишига қарши курашда жойлардаги барча корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг куч ва ғайратларини бирлаштириш фойда берарди. Масалан, Республика «Соғлом авлод» жамғармаси Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда «Оғусиз дунё сари» шиори остида бутун мамлакатга тадбиқ этса арзийдиган тадбирларни амалга ошираётир. Катта шаҳарларда, вилоят марказларида аноним врачлик маслаҳатхоналарини ташкил қилиш, врач-наркологларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларига жиддийроқ ёндашиш керак. Зарурият туғилди, уларнинг ойлик маошларини ошириб, моддий манфаатдорлигини кўпайтириш масалалари долзарблик касб этди.

Бундан ташқари, жойлардаги ўз-ўзини бошқариш идоралари вакиллари, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари, Хотин-қизлар қўмиталари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари, шунингдек, педагогик жамоалар гиёҳвандликка қарши курашда ҳуқуқ-тартибот идораларининг энг яқин ҳамкорига айланишлари лозим. Чунки бу офат газаклаб, кўплаб фожиали оқибатларга олиб келаётир. Нене, ўғлонлар шу касофат гирдобида ғарқ бўлаётир. Не-не аёллар фарзандига оқ сут беришдек оллоҳнинг инъоми — оналик бахтидан айрилиб, оқ оғу «оғушида» муқаддас номга доғ тушираётир.

Мамлакатимизнинг ҳар бир соғлом фикрли, фидойи фуқароси ҳушёр туриб, нафақат террорчи ва экстремистларни фош қилишда, балки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар, унинг олди-сотдиси билан шуғулланувчиларни фош этишда ҳам фаоллик кўрсатсин. Лоқайдлик уйқусидан тезроқ уйғонинг! Ана шундагина биз мустақил Ватанимиз тинчлиги ҳамда болаларнинг соғлом ва бахтли келажагини таъминлаш йўлидаги кўзланган мақсадларга эриша оламиз. Қачонки, гиёҳвандликка қарши курашиш — ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчига айлансагина, яхши натижа кутса бўлади, аксинча эса...

Шу ўринда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига чиққани айни муддао бўлганини таъкидламоқчиман. Барча ёмон иллатлар бекорчиликдан, дангасаликдан, лоқайдликдан ҳам келиб чиқади. Бир мақолада гимнастика бўйича етти марта Олимпия чемпиони Николай Андрианов «спорт ва санъат ўсмирларни гиёҳвандликдан, жиноят кўчасидан сақлашига ишонаман», деб ёзгани бежиз эмасди.

***Демак, умид бор, умидлар бор. Армонларни унутиб, умидлар билан яшайверамиз! Ҳеч кимнинг, ҳеч бир оиланинг бошига бундай бедаво дард — гиёҳвандлик балоси тушмасин.***

**Мадина МЎМИНЖОНОВА,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистри**

***Кимдан сўрасанг, унинг асирисан,***
***Кимга берсанг, унинг амирисан.***

*Халқ мақоли.*

